

Қумқўрғон туманида 2021 йилнинг ўтган 11 ойи давомида:



- “Термез Жайхун Кластер” МЧЖ ҳамда Швейцариянинг RITER компанияси ҳамкорлигида туманда қиймати 35 млн. долларлик тўқимачилик мажмуаси фаолияти йўлга қўйилмоқда. Йигирув, трикотаж, тўқув ва мато бўяшни ўз ичига оладиган мажмуада келгусида 1750 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади. Ҳозирда мажмуа қурилиши учун 6 гектар ер майдони ажратилган, қурилиш ишлари 2022 йилдан бошланади.
- “Дўстлик” МФЙ ҳудудида лойиҳа қиймати 9 млрд. 342 млн. сўмлик 2 та 5 қаватли 60 хонадонли арзонлаштирилган уй-жойлар қурилди;
- Мактабгача таълим ташкилотлари сони 128 тага етказилиб, 3-7 ёшгача бўлган болаларнинг қамров даражаси 43,5 фоизга оширилди. Йил якунига қадар яна 6 та МТТ фойдаланишга топширилиб, қамров даражаси 45 фоизга етказилади;
- 64-сонли мактаб учун 300 ўринли, 69-сонли мактаб учун 176 ўринли қўшимча бинолар қурилди. 17- ҳамда 27-сонли умумтаълим мактаблари бинолари мукамал таъмирдан чиқарилди.